



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "30" aprel

Қ-319 -son

Termiz sh.

Ангор тумани "Амударё" массиви худудидан "SURXON XIZMAT SAVDO" МЧЖга томчилатиб суғориш йўли билан интенсив боғ барпо этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/152-сон йиғилиш баёни, Ангор тумани ҳокимининг 2020 йил 06 октябрдаги 316/01-19-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ангор тумани "Амударё" массиви худудидан "SURXON XIZMAT SAVDO" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 282-дала контуридаги жами 30,0 гектар яйлов ер майдони томчилатиб суғориш йўли билан интенсив боғ барпо этиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов